



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@b2c.uz 2011-yil 12-avgust • № 33 (4120)

БИЗ ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ!

«ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШ ОСТОНАСИДА»

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номланган янги китоби нашр этилди. Китобдан Юртбошимизнинг мамлакатимиз мустақиллиги арафасида ва мустақилликнинг дастлабки даврида (1989-1991 йилларда) олиб борган жўшқин ва серқирра сиёсий-ижтимоий фаолиятини ақс эттирадиган маъруза ва нутқлар, суҳбат, мақола ва интервьюлар ўрин олган.

Китоб шаклида илк бор чоп этилаётган бу чиқишларнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» деб номлангани албатта бежиз эмас. Бу китоб ақин ўтмишимизнинг мураккаб тарихий-сиёсий босқичларини, жумладан, тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган ғоят оғир ва тахликали бир вазиятда Ўзбекистон раҳбари сифатида иш бошлаган Ислам Каримовнинг ўлка-мизни чуқур инқироздан олиб чиқиш, уни қатъият ва матонат билан истиқлол сари бошлаш, Ватанимиз мустақиллигини эълон қилиш, умумхалқ сайловида ғолиб чиқиш, Президентлик қасамёдини қабул қилишига ча бўлган, тинимсиз курашлар, кескин синов ва машаққатлар билан ўтган фаолият даврини ўз ичига олади.

участка майдонлари ва томорка ерлари ажратиш, пахта яккахокимлигига барҳам бериш борасида давлатимиз раҳбари томонидан кенг қўлмали ишлар амалга оширилди. Ана шундай чора-тадбирлар туфайли республика буйича 700 мингга оилага ер берилгани, муаллиф таъбири билан айтганда, кичикроқ бир давлатнинг аҳолисига тенг бўлган 1,5 миллион янги оила пайдо бўлгани, қуриш материаллари ишлаб чиқариш, одамларга кредит бериш, ўз хўжалигини юритиш учун уруғлик, чорва моллари ва парранда ажратишга қаратилган улкан ишлар ҳақида маълумот берадиган чиқишлар ҳам шу тўпламдан ўрин олган.


Бугунги кунда дунёда «ўзбек модели» деб ном олган тараққиёт йўлимининг асосий принципларининг дастлабки куртаклари сокин кабинетларда эмас, аксинча, ўша йилларда кескин сиёсий курашлар, баҳс ва тортишувлар жараёнида тугилиб, 90-йилларга келиб яхлит таълимотга айлангани ҳақида ушбу китобдаги чиқишлар орқали ҳар томонлама тасаввурга эга бўлиш мумкин. Мустақиллик ғоялари кенг қанот ёза бошлаган, халқимиз озодлик ва эркинликка интилган бир пайтда юртимизнинг дадил қадамларини кўролмайдиган гаразли кучлар собиқ Марказда ҳам, ўзимизда ҳам топилди. Бундай сиёсий ўйин ва фитналарга бир мисол сифатида 1991 йил 17-август кунлари — Ислам Каримов Ҳиндистон Республикасида расмий сафарда бўлган пайтда юз берган воқеаларни келтириш мумкин. Мамлакат раҳбарини Ўзбекистонда эмаслигиндан фойдаланиб, юртимиздаги айрим раҳбарлар ГКЧПнинг ноқонуний қарорларини қўллаб-қувватлайди, шу тариқа ўзининг сиёсий ва маънавий қиёфасини кўрсатади. Фақатгина Юртбошимизнинг мустаҳкам иродаси, оқилона ва вазмин сиёсати туфайли ГКЧП тарафдори бўлган сиёсий авантюристлар ўз қабиҳ ниятига етолмагани ҳам китобдаги чиқишларда ифодасини топган.

Афсуски, бугун вақт ўтиши билан ана шу воқеаларни кўрган-билган, уларга бевосита гувоҳ бўлган одамларнинг сони тобора камайиб бормоқда. Яқин тарихимизнинг машъум бир даврида содир бўлган бу воқеаларни билмасдан, уларнинг моҳиятини чуқур англамасдан туриб эл-юртимизнинг истиқлолга эришиш йўлидаги курашлар тарихини барча мураккабликлари билан тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур китобдан ўрин олган тарихий ҳужжатлар, нутқ ва маърузаларнинг бугунги ва эртанги кунимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга экани янада яққол аён бўлади.

Муҳтасар айтганда, тўпламга киритилган ҳар бир чиқишни мутлола қилиш жараёнида биз янги тарихимизнинг ўзимиз билмаган, англамаган яна кўплаб қирраларини янгитдан кашф этамиз, истиқлол моҳиятини, «тарихий бурлиш палласида халқ дарди, миллат қайғуси буюк шахсларни яратиши»ни янада чуқурроқ англаймиз.

Шу маънода, Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби халқимизнинг сиёсий тафаккур ҳазинасига қўшилган бебаҳо хисса бўлиб, мамлакатимизнинг истиқлол тарихини ўрганиш ва англашда беқиёс тарихий аҳамият касб этади.

(ЎЗА)



ЯНГИ ЗАМОН ЁШЛАРИ

Истиқлол йилларида тугилган болалар бугун йигирма ёшга қадам қўйди. Уша йили мактабга борган ўғил-қизларимиз ўттиз ёш остонасида. Бир сўз билан айтганда, янги сиёсий-иқтисодий, ижтимоий, маънавий муҳитда — хурлик ва озодлик замонидан улғайган ёшлар ҳаётида фаол иштирок этмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Истиқлолнинг дастлабки йилларида соғлом ва баркамол авлод тарбиясига давлат аҳамиятини даражасида эътибор қаратиб келинмоқда. Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида истиқлол йилларида барпо этилган, барча қўлайликларга эга, энг замонавий ахборот технологиялари билан таъминланган академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртиларида ёшларимиз замонавий касб-хунар, илм-маърифат сир-асрорларини, бир қанча хорижий тилларни ўрганишмоқда.

Ана шундай шарт-шароитларда ҳам, ўзимизда ҳам топилди. Бундай сиёсий ўйин ва фитналарга бир мисол сифатида 1991 йил 17-август кунлари — Ислам Каримов Ҳиндистон Республикасида расмий сафарда бўлган пайтда юз берган воқеаларни келтириш мумкин. Мамлакат раҳбарини Ўзбекистонда эмаслигиндан фойдаланиб, юртимиздаги айрим раҳбарлар ГКЧПнинг ноқонуний қарорларини қўллаб-қувватлайди, шу тариқа ўзининг сиёсий ва маънавий қиёфасини кўрсатади. Фақатгина Юртбошимизнинг мустаҳкам иродаси, оқилона ва вазмин сиёсати туфайли ГКЧП тарафдори бўлган сиёсий авантюристлар ўз қабиҳ ниятига етолмагани ҳам китобдаги чиқишларда ифодасини топган.

Афсуски, бугун вақт ўтиши билан ана шу воқеаларни кўрган-билган, уларга бевосита гувоҳ бўлган одамларнинг сони тобора камайиб бормоқда. Яқин тарихимизнинг машъум бир даврида содир бўлган бу воқеаларни билмасдан, уларнинг моҳиятини чуқур англамасдан туриб эл-юртимизнинг истиқлолга эришиш йўлидаги курашлар тарихини барча мураккабликлари билан тўлиқ тасаввур этиб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, мазкур китобдан ўрин олган тарихий ҳужжатлар, нутқ ва маърузаларнинг бугунги ва эртанги кунимиз учун ўта муҳим аҳамиятга эга экани янада яққол аён бўлади.

Муҳтасар айтганда, тўпламга киритилган ҳар бир чиқишни мутлола қилиш жараёнида биз янги тарихимизнинг ўзимиз билмаган, англамаган яна кўплаб қирраларини янгитдан кашф этамиз, истиқлол моҳиятини, «тарихий бурлиш палласида халқ дарди, миллат қайғуси буюк шахсларни яратиши»ни янада чуқурроқ англаймиз.

Шу маънода, Президент Ислам Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби халқимизнинг сиёсий тафаккур ҳазинасига қўшилган бебаҳо хисса бўлиб, мамлакатимизнинг истиқлол тарихини ўрганиш ва англашда беқиёс тарихий аҳамият касб этади.

«ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ» ШУКУҲИ

Ноҳира ПИРМАТОВА, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг биринчи даражали мукофоти совриндори (2005 йил):

— Қадим Самарқанднинг Регистон майдонида минглаб кишилар нигоҳи ижрочиға қаратилган бир пайтда, майдон масъулияти ва маҳобатини енгиб, қўшиқ куйлаш осон эмас. Айниқса, рақибларнинг ҳам ўз куч-қудратига ишонган, дунё тан олган санъаткорлар бўлишса...

«Шарқ тароналари»га қадар кўпгина кўрик-танловларда тобланиб, маҳоратимни ошириб бордим. Юнус Ражабий номидаги халқаро мақомчилар кўрик-танловида қатнашган, «Шашмақом», «Дугоҳ» ашуллари буйича бир неча аудио тўпламларини санъатсеварларга тақдим этган бўлсам-да, бу халқаро анжуманда қатнашиш мен учун қўрилмаган бахт эди.

Танлов шартига кўра, ҳар бир давлатдан энг кучли уч нафар ижрочи таклиф этилади. Улар бирин-кетин йиллар давомида тўплаган бой тажрибаси, меҳнати самарасини, бутун борлигини майдонда намойиш этадилар. Фестивалда қатнашганимда ёш эдим. Консерваторияда ўтказилган фестивалда танловда мақом йўналиши буйича Дилафруз Аҳмедова, Бобур Кенжаевлар билан бирга ғолиб бўлиб, «Шарқ тароналари»га йўланма олдик. Устозларим — Ўзбекистон халқ ҳофиси Маҳмуд Тожибоев ва профессор Рифатилла Қосимов билан маслаҳатлашиб, буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг газаллари асосида иккита ашула куйладим. Дунёнинг эллика яқин давлатдан ташриф буюрган моҳир санъаткорлар орасидан ҳакамлар ҳайъати мени биринчи даражали мукофотга муносиб қўригани, айниқса, мароқли эди. Камдан-кам ижрочиғагина насиб этилган юксак мукофот ана шу кунни менга топширдим.

Фестивалда қатнашиш ижодимизнинг нафақат юртимизда, балки халқаро майдонда эътироф этилиши учун восита бўлди. «Шарқ тароналари»да қатнашган, Франция, Италия, Хитой, Миср, Туркия, Марокаш, Гонгконг, Озарбойжонда ўтказилган кўплаб халқаро фестивалларда қатнашиб, ўзбек мақом санъатининг салоҳиятини кўрсатиш бахтига муваффақ бўлдим.

Ҳар бир халқ, миллатнинг соф миллий қўшиқлари ижро этиладиган Регистон майдонида янграган тароналар санъаткорларнинг овоз имконияти, у вакили бўлиб келган халқ санъатини ўрганиш, кузатиш, маҳорат ва тажриба орттириш мактаби бўлиб хизмат қилади. Уларнинг тилини тушунамасак-да, ижро маҳорати, мусиқа ва матн уйғунлигидан ҳайратландик.

«Шарқ тароналари»да қатнашиш менимча, юртимиздаги ҳар бир санъаткорнинг орузи. Кейинги пайтларда ёш ижрочилар ҳам иштирок этиб, ўз кучини синовдан ўтказаяётгани кувончли. Ўзбек ёшлари орасида 2001 йили Сойибжон Нийёзов ва Абдунаби Иброҳимов юксак ижреси билан биринчи даражали мукофотни қўлга киритди. Фестивалдан сўнг уларга Ўзбекистон халқ артисти унвони берилди. Соҳир овоз соҳибид, ёш ижрочи Гулзода Худойназарова 2007 йили ўтказилган танловда қатнашиб, ЮНЕСКОнинг «Ерқин овоз соҳибига» аталган махсус совринини қўлга киритди.

Ёшлар орасида ўз иқтидори, ижро йўлига эга бўлган санъаткорлар кўп. Катта санъат йўлида ўзини синамочи бўлса, марҳамат, марду майдонлар баҳси мунтазир. Бунинг учун сабот, матонат ва юксак истеъдод талаб этилади. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали яна кўплаб ёш ижрочиларни кашф этишига ишонаман.

ТАҲРИРИЯТ.

ҚЎШИҚ УМРИ БОҚИЙДИР

«ЯҒОНАСАН, МУҚАДДАС ВАТАНИ!» ТАНЛОВИ ЯҚУНЛАНДИ

Юртимизнинг барча шахару қишлоқлари икки ой давомида Она-Ватан, элу юрт ҳақидаги қўшиқлар оғушида яшади. Профессорлар хонандалар ва иқтидорли ёш ҳаваскорлар Президентимиз қарори билан бу йил учинчи марта ўтказилаётган «Яғонасан, муқаддас Ватан» кўрик-танлови босқичларида ўзларининг янги қўшиқлари билан қатнашдилар.

Шу муносабат билан «Туркистон» саройига республикамизнинг барча вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан иккинчи босқич ғолиблари йиғилди. Қирққа яқин хонанда республика босқичида ўз маҳоратини намойиш этди. Тадбирнинг очилишида Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, танлов ташкилий қўмитаси раиси Эркин Воҳидов сўзга чиқиб, шундай деди: «Уч йил илгари Президентимиз қарори билан бошланган «Яғонасан, муқаддас Ватан» кўрик-



«БИЛМАС»НИ АЙТГАННИ КИМ БИЛМАС?

Новий вилоятнинг Учқудуқ шаҳрида фаолият юритаётган «Ситора» миллий хореография ансамбли ўз муҳлисига эга бўлган янги замонавий танловда муваффақиятли қатнашиб қайтди. Украина, Россия, Беларусь каби бир қанча мамлакатлардан келган истеъдодли ёшлар орасида Ўзбекистонлик санъаткорлар намойиш этган «Орзу» ва «Байрам таронаси» композициялари томошабинлар ва мутахассислар эътирофига сазовор бўлди. «Ситора» танловнинг олий мукофоти — Гран-при билан тақдирланди.

